

Жиноят иши: № [REDACTED]  
Маърузачи судья: А.А

Биринчи инстанцияда ишни кўришда  
раислик қилган судья: Р.Б  
Апелляция инстанциясида маърузачи  
бўлган судья: О.М.

[REDACTED] СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

[REDACTED] вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья У.Б., судлов ҳайъати судьялари Ш.Р. ва А.А.дан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Б.нинг котибалигида, тарафлардан [REDACTED] прокуратураси бўлим прокурори Ғ.А., судланган У.А. ва унинг ҳимоячиси, адвокат Ш.В.нинг иштирокида, [REDACTED] оид жиноят ишининг судланган У.А.га оид қисмини [REDACTED] вилоят прокурорининг ўринбосари томонидан тафтиш тартибида келтирилган протест ва адвокат Ш.В. томонидан тафтиш тартибида келтирилган шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] 7 октябрдаги ҳукмига кўра: ЖКнинг [REDACTED] давлат ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, [REDACTED] ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, [REDACTED] қилиш жазоси, ЖКнинг [REDACTED] давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, [REDACTED] тайинланган, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.  
Шунингдек, судланган У.А.дан [REDACTED] фойдасига [REDACTED] сўм ундириш;  
судланганлар У.А. ва Б.Х.дан [REDACTED] фойдасига [REDACTED] сўм солидар тартибда ундириш белгиланган.



██████████ вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ██████████ ажримига кўра, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур ҳукм билан Б.Х. ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми апелляция ёки кассация тартибида кўрилмаганлиги сабабли, протестнинг шу қисми муҳокама қилинмасдан оқибатсиз қолдирилади.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган У.А. ██████████

██████████ раҳбари, яъни давлат ташкилоти мансабдор шахси бўла туриб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда, жамият ҳисобига сотиб олинган ва раҳбар сифатида ихтиёрида бўлган жами ██████████ қурилиш материалларини пудратчи ташкилот ҳисобланган МЧЖга аслида топширилмаган бўлсада, ██████████ октябрь ойидан

██████████ қурилиш материалларини ██████████ МЧЖга топширилгани ҳақида сохта далолатномалар расмийлаштириш йўли билан ██████████ жуда кўп миқдордаги мулкни растрата қилиш орқали талон-торож қилган.

Шунингдек, судланган У.А. ██████████

██████████ МЧЖнинг раҳбари, яъни давлат ташкилоти мансабдор шахси бўла туриб, жамиятда ишловчи бошқа шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, жамият ҳисобига сотиб олинган жами ██████████ қурилиш материаллари пудратчи ташкилот ҳисобланган ██████████ МЧЖга аслида топширилмаган бўлса-да, ██████████

██████████ қурилиш материаллари ██████████ МЧЖга топширилганлиги тўғрисида сохта далолатномалар расмийлаштиришиб, мансаб сохтакорлиги, яъни ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжат ҳисобланган далолатномаларга сохта маълумотлар киритиб, далолатномаларни жамиятнинг бухгалтерия бўлимига тақдим қилиб, жуда кўп миқдордаги мулкни балансдан чиқарилишига сабаб бўлиб, “Янгибозормахсуссупудрат” МЧЖнинг манфаатларига жиддий зарар етказганлар.

Шунингдек, судланган У.А. ██████████

██████████ МЧЖнинг раҳбари, яъни давлат ташкилоти мансабдор шахси бўла туриб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда, ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом қилдириб, олдиндан таниши бўлган ██████████ МЧЖ раҳбари Б.Х. билан



ўзаро жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, [REDACTED] иккала жамият ўртасида “Молиявий ёрдам тўғрисида” деб номланган рақамсиз шартнома тузишиб, [REDACTED] МЧЖнинг маблағини ўзлаштириш мақсадида шартноманинг 2-банди, 2-хатбошига “Молиявий ёрдам олувчи” [REDACTED] қайтариб бермаслик мажбуриятини олади” деган жумлани киритиб, шартномага қонуний тус бериб, жиноий шериги Б.Х. билан биргаликда имзолаб, жамиятларнинг муҳрлари билан тасдиқлаб, ўзларига бюджет маблағларини растрата қилишга шароит яратиб, шу даврда жамиятнинг [REDACTED] қарздорлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича [REDACTED] қарздорлиги мавжуд бўлса-да, ушбу қарздорликларни тўламасдан, жамиятнинг ҳисоб рақамидан [REDACTED]

жами [REDACTED] сўмни “молиявий ёрдам” важи билан “ [REDACTED] МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб, келишувга кўра мазкур пулларни нақдлаштириб олиб шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб, [REDACTED]

сўм маблағини растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлар.

Шунингдек, судланган У.А. [REDACTED]

[REDACTED] МЧЖнинг раҳбари, яъни давлат ташкилоти мансабдор шахси бўла туриб, мансаб сохтакорлигида ифодаланган жиноий ҳаракатларини такроран давом қилдириб, олдиндан таниши бўлган [REDACTED] МЧЖ раҳбари Б.Х. билан ўзаро жиноий тил бириктириб, гуруҳ бўлиб, [REDACTED] иккала жамият ўртасида “Молиявий ёрдам тўғрисида” деб номланган рақамсиз шартнома тузишиб, [REDACTED] МЧЖнинг маблағини ўзлаштириш мақсадида шартноманинг 2-банди, 2-хатбошига “Молиявий ёрдам олувчи” [REDACTED] қайтариб бермаслик мажбуриятини олади” деган жумлани киритиб, шартномага қонуний тус бериб, жиноий шериги Б.Х. билан биргаликда имзолаб, жамиятларнинг муҳрлари билан тасдиқлаб, ўзларига бюджет маблағларини растрата қилишга шароит яратиб, шу даврда жамиятнинг [REDACTED] кредитор қарздорлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича [REDACTED] қарздорлиги мавжуд бўлсада, ушбу қарздорликларни тўламасдан, жамиятнинг ҳисоб рақамидан [REDACTED]

сўмни, [REDACTED]

[REDACTED] сўмни “молиявий ёрдам” важи билан [REDACTED] МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб, келишувга кўра мазкур пулларини нақдлаштириб олиб, шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб, шартномага қонуний тус бериш ва бухгалтерия ҳужжатларини тўғрилаб қўйиш учун шу кундан яна бир нусхада “Вақтинчалик молиявий ёрдам тўғрисида” деб номланган, рақамсиз шартномани тузишиб, уни ҳам жиноий шериги Б.Х. иккаласи имзо



ва муҳр билан тасдиқлаб, ғаразгўйлик манфаатларни кўзлаб расмий хужжат ҳисобланган шартномага сохта маълумотлар киритиб, жамиятнинг бухгалтерия бўлимига тақдим қилиб, жуда кўп миқдордаги мулкни растрата қилиб, [REDACTED] манфаатларига жиддий зарар етказганлар, Б.Х. мансаб сохтакорлиги жинойтини содир этишда иштирокчилик қилган.

Суд қарорларига нисбатан [REDACTED] вилоят прокурорининг ўринбосари томонидан тафтиш тартибида келтирилган протестда, ҳозирги кунга келиб, У.А.нинг яқин қариндошлари томонидан иш бўйича [REDACTED] МЧЖга етказилган барча моддий зарарлар тўлиқ қоплаб берилгани ҳақида важлар келтириб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] талабидан келиб чиқиб, У.А.га оид чиқарилган суд қарорларига ўзгартириш киритиб, суд қарорларини қонун талабларига мувофиқлаштиришни сўраган.

Суднинг ҳукмидан норози бўлиб, судланган У.А.нинг ҳимоячиси, адвокат Ш.В. тафтиш тартибида келтирган шикоятда, У.А.ни [REDACTED] сўм пул маблағларини ўзлаштирганлик ҳамда жамият бош муҳандиси ва бош мутахассиси билан олдиндан тил бириктириб, сохта далолатномаларни расмийлаштирганлик эпизодлари бирон-бир далиллар билан ўз тасдиғини топмаганлиги ва унинг ҳаракатларида жинойт таркиби йўқлиги ҳақида важлар келтириб, ишнинг унга оид бўлган ушбу бир қисми юзасидан [REDACTED] чиқаришни сўраган.

Бироқ, судланган У.А. ва унинг ҳимоячиси, адвокат Ш.В. тафтиш инстанцияси суд муҳокамаси бошлангунига қадар янги мазмунда шикоят аризаси бериб, олдинги берган шикоятга ўзгартириш киритиб, ҳимояси остидаги У.А.га нисбатан бўлган жинойт иши юзасидан олдин берилган тафтиш шикоятини муҳокама қилмасдан оқибатсиз қолдиришни, У.А.нинг яқин қариндошлари томонидан етказилган зарарлар тўлиқ қоплангани учун унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 519-моддаси 1-қисмида, тафтиш шикояти(протести) берган шахс жинойт ишини тафтиш тартибида суд мажлисида кўриш бошлангунига қадар уни ўзгартиришга ёки янги важлар билан тўлдиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати юқоридаги қонун талабидан келиб чиқиб, судланган У.А. ва унинг ҳимоячиси, адвокат Ш.В.ларнинг олдинги берган шикоят аризасини оқибатсиз қолдириб, кейинги берган шикоят аризалари бўйича муҳокама қилишни лозим топади.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья А.А.нинг маърузасини, прокурор Ғ.А.нинг тафтиш протести ва шикоятни қаноатлантириб, У.А.га озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги, судланган У.А. ва унинг ҳимоячиси, адвокат Ш.В.ларнинг протест ва шикоятни қувватлаб, уларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, келтирилган протест ва шикоятдаги важларни



жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, тафтиш протести ва шикоятини қаноатлантириб, суд қарорларининг У.А.га оид қисмини ўзгартиришни лозим топади.

Судлар, У.А. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг эълон қилинган айбловларга муносабатини ёритиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига ҳуқуқий баҳо бериб, судда текширилган далилларни судланганни ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун етарли деб ҳисоблаб, У.А.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир қилганликдаги айби тасдиқлангани тўғрисида асосли хулосага келган.

Судланган У.А.нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, шу иш бўйича судланган Б.Х., фуқаровий даъвогар вакили О.Ў., гувоҳлар Ш.Б., О.Аб., Э.П., Э.А., Ў.Ж., Э.Ў., Ш.С. ва М.Р.нинг кўрсатувлари, шунингдек [REDACTED] МЧЖ раҳбарининг Департаментнинг [REDACTED] бошқармаси бошлиғи номига У.А. ва Б.Х.ларнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб йўллаган мурожаати, У.А. ва Б.Х.ларни ўртасидаги сўзлашувлар туширилган “DVD+R” дискни кўздан кечириш ва стенограмма қилиш баённомаси, [REDACTED] МЧЖда ўтказилган ҳужжатли тафтиш бўйича тузилган далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, [REDACTED] ўтказилган ҳужжатли тафтиш бўйича тузилган далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар, [REDACTED] МЧЖ директори Ш.Б.нинг имзоси қўйилмаган, бироқ шу жамиятга [REDACTED] маҳсулотлари етказиб берилганлиги тўғрисида [REDACTED] ойда тузилган, санаси кўрсатилмаган, “Янгибозормахсуссупудрат” МЧЖ бош муҳандиси Э.П. ҳамда маркетинг таъминот ва техникаларни таъмирлаш бўлими бош мутахассиси У.Ж. томонидан имзоланган рақамсиз далолатнома, [REDACTED] қурилиш маҳсулотлари етказиб берилганлиги тўғрисида 2022 йил ноябрь ойда тузилган, санаси кўрсатилмаган, [REDACTED] МЧЖ бош муҳандиси Э.П. ҳамда маркетинг таъминот ва техникаларни таъмирлаш бўлими бош мутахассиси У.Ж. томонидан имзоланган рақамсиз далолатнома, [REDACTED] қурилиш маҳсулотлари етказиб берилганлиги тўғрисида [REDACTED] МЧЖ бош муҳандиси Э.П. ҳамда маркетинг таъминот ва техникаларни таъмирлаш бўлими бош мутахассиси У.Ж. томонидан имзоланган рақамсиз далолатнома, [REDACTED] етказиб берилганлиги тўғрисида 2023 йил февраль ойда тузилган, санаси кўрсатилмаган, [REDACTED] МЧЖ бош муҳандиси Э.П. ҳамда маркетинг таъминот ва техникаларни таъмирлаш бўлими бошлиғи-бош механик Э.А. томонидан имзоланган рақамсиз далолатнома, [REDACTED] қурилиш маҳсулотлари етказиб



берилганлиги тўғрисида 2023 йил март ойида тузилган, санаси кўрсатилмаган, [REDACTED] МЧЖ бош муҳандиси Э.П. ҳамда маркетинг таъминот ва техникаларни таъмирлаш бўлими бош мутахассиси У.Ж. томонидан имзоланган рақамсиз далолатнома,

[REDACTED] ўртасида 23.12.2022 йилда тузилган “вақтинчалик молиявий ёрдам тўғрисида” ва “молиявий ёрдам тўғрисида”ги икки хил мазмундаги шартномалар ҳамда шу шартномалар асосида [REDACTED]

[REDACTED] хисобига ўтказилган жами [REDACTED] бўйича электрон тўлов топшириқномаларнинг нусхалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа бир қатор объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган бўлиб, қайд этилган далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Судлов ҳайъати, юқорида қайд қилинган ишга алоқадор далилларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келадиган, ишончга сазовор ва мақбул далиллар ҳамда уларни У.А.ни суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир қилишда айбли деб топиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, биринчи ва апелляция инстанция судлари томонидан судланган У.А.нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Судлар томонидан мазкур жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда кўрилиб, аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан тўла ва холисона текширилиб, У.А.нинг содир этган жиноятлари тафсилотлари тўғри аниқланиб, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, суд муҳокамасида ЖПКнинг 94 ва 95-моддалари талабига мувофиқ ҳолда баҳо берилган далиллар билан асослантилган.

Судлар томонидан судланган У.А.нинг содир этган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қароридаги тушунтиришларга риоя қилиб, унинг шахсини, оилавий ва моддий аҳволини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этиб, шунингдек, етказилган зарарлар қопланмаганини, фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси борлигини инobatга олган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида қонуний тўхтамга келинган.

Бироқ, адвокат Ш.В. ушбу жиноят иши биринчи ва апелляция инстанцияси суд мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин, суд ҳукми билан моддий зарар ундириш белгиланган фуқаровий даъвогар [REDACTED]

мақсадида У.А.нинг отаси А.А. томонидан 2025 йил [REDACTED]



\_\_\_\_\_ пул маблағлари Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти \_\_\_\_\_ вилоят худудий бўлимнинг банкдаги \_\_\_\_\_ депозит ҳисоб рақамига топширилгани, фуқаровий даъвогарга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги ҳақида маълум қилиб, судга ҳужжат тақдим қилди.

Иш ҳолатларига кўра, судланган У.А.га қўйилган айбловлар бўйича содир қилинган жиноятлар натижасида \_\_\_\_\_ жами \_\_\_\_\_ моддий зарар етказилган бўлиб, эндиликда депозитда вақтинча сақланаётган пул маблағлари фуқаровий даъвогарга етказилган моддий зарарларни қоплашга етарли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгиланган бўлиб, 20-модданинг 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 4-қисмида, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 491-моддасида, ишни тафтиш тартибида кўриб чиқаётган суд етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги тегишли моддаси нормасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда ҳукми ўзгартириши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 9-бандида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра ЖКнинг 167-моддасида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши, шунингдек, шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги ҳақида;

13-бандида, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар кўпинча бошқа жиноятлар, масалан, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, мансаб сохтакорлиги ва шу сингари жиноятлар билан биргаликда содир



этилиши, суд ҳар бир шундай иш бўйича моддий зарарни қоплаган шахсга нисбатан талон-торож қилганлик учун озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлар экан, ишнинг муайян ҳолатларини инобатга олиб, унинг бошқа жиноятлари учун, агар бу жиноятларни содир этганлик учун қонунда муқобил жазолар назарда тутилган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини муҳокама этиши шартлиги ҳақида кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида;

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги ҳақида, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>4</sup>-моддасида тафтиш инстанция суди биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг ҳукмини, ажримини ўзгартиришга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шу сабабли, судлов ҳайъати, ишни тафтиш судида кўриб чиқиш пайтига келиб, судланган У.А. томонидан содир қилинган жиноятлар оқибатида фуқаровий даъвогарга етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлиги учун суд ҳукмининг жазо тайинлаш қисмини ўзгартириб, унга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қароридаги раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, унинг шахсини, айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида турмуш ўртоғи ва вояга етмаган



фарзандлари борлигини, жиноят натижасида етказилган зарарлар тўлиқ бартараф этилганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унга нисбатан у айбли деб топилган ЖКнинг назарда тутилган

ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг

жазоси тайинлашни, шу

билан бир қаторда, у эгаллаб турган лавозими ва иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир қилганлигини эътиборга олиб, келгусида яна шу каби жиноятларни содир қилишини олдини олиш мақсадида унга нисбатан қўшимча жазо сифатида ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, уни муайян муддат мобайнида давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишни,

жазосининг 3 кунига тенглаштирилиб,

тайинланадиган жазодан чегириб ташлашни ҳамда уни дарҳол суд залидан камоқдан озод қилишни лозим топади.

Судлов ҳайъати, жиноят натижасида манфаатдор тарафга етказилган зарарлар масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарори талабларига амал қилиб, жиноят натижасида фуқаровий даъвогарга етказилган зарарларни қоплаш мақсадида, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти вилоят ҳудудий бўлимининг банкдаги депозит ҳисоб рақамига судланган У.А.нинг отаси А.А. томонидан

пул маблағларини

МЧЖ фойдасига ўтказишни;

- судланган У.А. томонидан жиноят натижасида етказилган моддий зарарларни тўлиқ қопланган деб ҳисоблашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>3</sup>, 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди



## А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED]  
7 октябрдаги ҳукми ва [REDACTED] суди жиноят ишлари бўйича судлов  
хайъати апелляция инстанциясининг [REDACTED] ажримининг  
А.У.Ага оид қисми ўзгартирилсин.

А.У.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED]

[REDACTED]  
тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED]

[REDACTED] ўталган деб ҳисобланиб, ўташлик учун иш  
ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда [REDACTED]  
[REDACTED] ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат  
қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати жазо  
ижросини назорат қилувчи орган белгилаган жойга бориб ишга тушган  
кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат  
қилишлик [REDACTED] Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланган У.А. дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Судланган У.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-  
қисми талаблари тушунтирилсин.

Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш мақсадида, Судлар  
фаолиятини таъминлаш департаменти [REDACTED] худудий бўлимининг  
банкдаги [REDACTED] депозит ҳисоб рақамига



судланган У.А.нинг отаси А.А. томонидан

МЧЖ фойдасига ўтказилсин.

Судланган У.А. томонидан жиноят натижасида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланган ҳисоблансин.

Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган протест ва шикоят қаноатлантирилсин.

Тафтиш инстанцияси судининг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиши учун шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

У.Б.

Ҳайъат судьялари

(имзо)

Ш.Р.

Аслига тўғри:

(имзо)

А.А.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521<sup>3</sup>, 521<sup>4</sup> ва 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

### А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман судининг 2024 йил 7 октябрдаги ҳукми ва Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 27 январдаги ажримининг Алимов Умид Атаназарович (Alimov Umid)га оид қисми ўзгартирилсин.

Алимов Умид Атаназаровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 йил давлат ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 45-моддасига асосан тайинланган қўшимча жазони ўзгаришсиз қолдириб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилсин.

Алимов Умид Атаназаровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 йил давлат ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган асосий жазоларни қисман ва қўшимча жазони тўлиқ қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича 1 йил давлат ва давлат иштирокидаги корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 10 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Алимов Умид Атаназаровичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар судининг 2024 йил 10 январдаги ҳукми билан тайинланган 1 йил 2 ой давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўталган муддати инобатга олиниб, мазкур ҳукм билан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил ўташ учун 1 йил 8 ой давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш



хуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, Алимов Умид Атаназаровичнинг 2024 йил 5 июндан – 2025 йил 19 февраль кунигача, яъни 1 кун давомида қамоқда сақланган вақтининг ҳар бир куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 3 кунига тенглаштирилиб, тайинланган 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб ташлансин ва ушбу жазонинг 2 йил 1 ой 20 куни ўталган деб ҳисобланиб, ўташлик учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 10 ой 10 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳукм ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтатилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати жазо ижросини назорат қилувчи орган белгилаган жойга бориб ишга тушган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижросини назорат қилишлик Шовот туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланган У.А. дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Судланган У.А.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисми талаблари тушунтирилсин.

Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш мақсадида, Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Хоразм вилоят ҳудудий бўлимининг банкдаги 401410860334017033232011001-сонли депозит ҳисоб рақамига судланган У.А.нинг отаси Алимов Атаназар томонидан 2025 йил 3 февралда 290.000.000 сўм, 2025 йил 4 февралда 312.453.000 сўм, 2025 йил 6 февралда 195.200.000 сўм ва 2025 йил 7 февралда 92.891.000 сўм, жами 890.244.000 сўм пул маблағларини “Янгибозормахсуссупудрат” МЧЖ фойдасига ўтказилсин.

Судланган У.А. томонидан жиноят натижасида етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланган ҳисоблансин.

Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган протест ва шикоят қаноатлантирилсин.

Тафтиш инстанцияси судининг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида қайта кўриб чиқилиши учун шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

У.Бакдурдиев

Ҳайъат судьялари

Ш.Раззақов



